



Saiga News

2007/08 қиш мавсуми: 6 сони

Сайгоқнинг экологияси ва муҳофазаси саволлари бўйича инфор­мацион ал­ма­шинув учун 6-ти тилда чиқади

Мундарижа

Асосий мақола – 1-2 б.

Э.Дж. Милнер-Гулланд Буюк Британия ва Қалмоғистон ўртасидаги маданий алоқалар барча иштирокчилар учун илҳом манбаи бўлди

Янгиликлар – 2-6 б.

Матбуот шарҳи – 7-8 б.

Л.Сарангова Сайгоқлар асрлар туташинида йўқолмоқда. Известия Калмыкии, 2007 йил 24 ноябрь

Мақолалар – 8-14 б.

Б.С.Кожамкулова, П.А.Тлеубердина. Қозоғистон плейстоценда Евроосиё сайгоғининг ареали

А. Ж. Жатканбаев Жанубий Балхаш олдида сайгоқнинг замонавий ҳолати ҳақида

Б. Лхагвасурен, Л. Амгалан, В. Чимеддорж Муғилистон сайгоғини популяцион баҳолаш

Дж. Бергер, К. Мюррей-Бергер, Дж. Янг, Бувейбатар 2006-2007 йй Муғилистон сайгоғининг кўчиб юриши ва сонини баҳолашнинг натижалари

М.Ю. Дубинин, А.А. Лушчекина, Ф.К. Раделлофф. Шимол-Ғарб Каспий олдида сайгоқни йўлдошли телеметриясининг тажрибаси

О.Е. Романов. Сайгоқ шохларини ўрганиш

И. Смелянский. Сайгоққа ов қилиш тарғиботи- 59000 нусха тиражда

Лойиҳалар шарҳи – 15 б.

Сайгоқни асраш бўйича Альянси кичик грантлар дастурининг биринчи раунди бўлиб ўтди

Янги мақолалар – 15 б.

SCA Сайгоқни сақлаб қолиш бўйича ҲМнинг бажарилиши ҳақида – 16 б.

Сайгоқни сақлаб қолиш бўйича ҲМнинг бажарилиши бўйича ҳисобот CMS, 2007 й. июль - декабрь

Буюк Британия ва Қалмоғистон ўртасидаги маданий алоқалар барча иштирокчилар учун илҳом манбаи бўлди

2007 й. май-июнь ойларида олти нафар сайгоқни сақлаш ташаббускорлари Буюк Британия Ҳукуматининг Дарвин ташаббуси фонди томонидан қўлланган ноёб тажрибада иштирок этди. Умуммиллий танлов борасида танлаб олинган англиялик уч киши май ойида 10-кунлик саёҳат учун Қалмоғистонга учинишди, уларнинг ҳаммаслари эса июнда Қалмоғистондан жавоб ташрифини амалга оширишди. Бундай ал­ма­шинув мақсади халқаро дўстлик ва ҳамфикрликни ривожлантиришга, ҳар бир мамлакатда қандай қилиб табиатни асраш мумкинлиги ва сайгоқнинг оғир аҳволини тушунтиришни кучайтириш ҳамда уларни сақлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида билим ва фикр алмашишга кўмаклашишдан иборат.

Англиядан табиат ҳақида фильмларни суратга олган Уэльслик Роза Бэйк келди. У барча иштирокчиларнинг видеокундаликларини киритган ҳолда саёҳат ҳақида ҳужжатли фильм суратга олди. Розанинг Қалмоғистон одамлари билан бошқа алоқадорлиги ҳам бор эди, чунки у Қалмоғистонга жуда ўхшайдиган, ўз тилига эга бўлган Буюк Британия таркибидаги мағур ва мустақил мамлакат – Уэльсдан келган. У “Экологик лойиҳалар маркази” ИИЧБ директори – Ольга Обгенованинг шериги бўлди. Хелен Голланд – Лондоннинг ночор районида жойлашган ва волонтерлик, таълим олиш ҳамда маҳаллий аҳолига ҳайвонлар билан мулоқотда бўлиш учун имкон берадиган Спитафилдс Сити Фарм (Spitfields City Farm) фермасининг менеджери. Кўплаб ўхшаш мақсадларни кўзлайдиган таркибида сайгоқни кўпайтириш бўйича питомниги бўлган Ёввойи Ҳайвонлар Марказининг директори Юрий Арилов унинг шериги бўлди.

Ва, ниҳоят, рассом Элисон Милнер-Гулланд Қалмоғистон Ҳукуматида сайгоқни сақлаш учун жавобгар бўлган Юрий Каминовнинг шериги бўлди. У Буюк Британияда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти маҳаллий ва миллий даражада қандай ташкил қилинганлиги ҳақида кўпроқ билишни хоҳлаган эди. Англиялик иштирокчилар Яшқўл ҳамда Комсомольск посёлкаларининг мактаб ўқувчилари, шунингдек Астрахань болалар уйи болалари билан мулоқотда бўлиш имконига эга бўлишди. Болаларнинг экологик муаммоларни тушуниши ва билим ҳамда санъат соҳасидаги ажойиб ютуқлари уларни лол қолдирди. Болалар ўз мерослари билан фахрланиши ва Қалмиқ чўллари ҳамда аъёналарини келажак учун асрашлари мутлақо аниқ эди. Давоми 2чи бетда.

Э.Дж. Милнер-Гулланд, Имперал Колледж Лондон, e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk.



Ал­ма­шинув ташриф иштирокчилари Юрий Ариовнинг уйда тушлик қияп­тилар (юқорида); Элисон Милнер-Гулланд сайгоқни асраш учун маблағ йиғиш мақса­дида ба­диий ишларининг кўр­газмасини ўтказмоқда (пастда). Э.Дж. Милнер-Гулланд сурати

Редакцион коллегия. Буюк Британия: Э.Дж.Милнер-Гулланд, Имперал Колледж Лондон (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk); Қозоғистон: А.Бекенов и Ю.Грачев, Зоология институти (terio@nursat.kz); Хитой: А.Канг, WCS Хитой (ygling@online.sh.cn); Монголия: Б. Лхагвасурен, Биология институти (ecolab@magicnet.mn) ва Е.Онон, WWF-Монголия (mpp-species@wwf.mn); Россия: Ю.Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази (kalmisaigak@elista.ru) ва А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти (rusmabcom@gmail.com); Туркменистон: Дж. Сапармуратов, Чўл, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси Миллий институти (siuma@untuk.org); Ўзбекистон: Е.Бикова ва А.Есипов, Зоология институти (esipov@sarkor.uz).

Материалларини 6 тилнинг бирида юборишини сўраймиз. Илтимос, esipov@sarkor.uz ва saigaconservationalliance@yahoo.co.uk манзилига еки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень йилига икки марта чиқади.

Бу нашрдан online <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> , www.iccs.org.uk/saiganews.htm ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> да ва яна pdf форматда еки талаб бўйича инглиз, қозоқ, хитой, монгол, ўзбек ва рус тилларидаги матндан фойдаланиш мумкин.



молиявий ердамида чоп этилади

Биргалиқда маблағ билан таминлаш



Давоми (боши 1чи бетда)

Гуруҳ шунингдек “Чёрные земли” биосфера қўриқхонасида ҳам бўлди ва у ерда тўдани қўзилаш вақтида кузатди – ботаётган қуёшда ковил орасида сайгоқчаларни чақираётган сайгоқлар овози унутилмас эди. Улар шунингдек Россиядаги “Степной” заказниги бўйлаб саёҳатга боришди. У ерда Хлуднев ва унинг командаси улар учун чўлда сайр уюштириб, бу сеҳрли жойнинг энг ёрқин ҳислатлари ва шу қаторда бургут, сайгоқ ва иссиқ артезиан қудуғи билан таништирди. Бунинг мақсадларидан бири заказнида сайгоқни сақлаш учун асос бўла оладиган экологик туризмни ривожлантириш учун асос солишдан иборат. Сайгоқни кўпайтириш бўйича питомникнинг ташриф-марказида ўтказилган тун яна бир ҳодиса бўлди. У ерда барвақт турганлар ён-атрофда жойлашган эркак сайгоқларни секингина кузатиши мумкин бўлди.

Алмашинув ташриф вақтида Ольга Обгенова Уэльсда асосланадиган ва Евроиттифоқ томонидан фондланувчи кичик европа тил ва маданиятларини қўллаб-қувватлаш дастурларида бўлди. Юрий Арилов Сити Фарм волонтерлари билан суҳбатлашди, шунингдек Эссексдаги Wildlife Trust қўриқхонасида бўлди. Юрий Каминов Суссекснинг қишлоқ жойида табиат муҳофазаси билан шуғулланадиган фермер ва волонтерлар билан учрашди. Иштирокчилар Буюк Британияда табиатни муҳофаза қилиш кичикроқ ёшдан бошлаб ўқитилишини таъкидлашди. Кичик болалар учун сайгоқ ҳақида китоб яратиш бўйича SCA кичик грантлари дастурига Ольганинг муваффақиятли талабномаси эса бу саёҳат натижаларидан бири бўлди. Яна бир қизиқтирган нарса биз ҳам Қалмоғистонда ривожланишига кўмаклашмоқчи бўлган Британия табиатни муҳофаза қилиш саҳнасида кўнгилчиларнинг кўплиги ва табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг маҳаллий даражаси бўлди.

Барча иштирокчиларда саёҳат ёрқин ва ширин хотиралар қолдирди, биргаликдаги тажриба дўстлик ва ҳамфикрликнинг мустаҳкамланишига, иккала мамлакатдаги илқ кутиб олишга, шунингдек бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган сайгоқ ва қалмиқ маданиятини сақлаш соҳасида биргаликда ишлаш учун узоқ муддатли мажбуриятларга имкон туғдирди.

ХАЛҚАРО ВА РЕГИОНАЛ

Янгиликлар

Сайгоқни асраш бўйича Альянс Бошқармасининг 1-чи кенгаши



SCA Бошқармаси аъзолари Тошкентда кенгашда (юқорида) ва “Жайрон” Экомарказида экскурсия вақтида (пастда)

2007й. 12-13 сентябрь кунлари Сайгоқни асраш бўйича Альянс учун тарихий воқеа – Буюк Британия, Қозоғистон, Муғилистон, Россия, Туркменистон ва Ўзбекистон вакиллари иштирокида Бошқарманинг 1-чи кенгаши бўлди. Учрашув Тошкентда бўлиб, ЎзР ФА Зоология институти номидан Е.Бикова ва А.Есиповлар томонидан ташкил этилди. Кенгашда Альянснинг 2008-2010 йилларга Стратегик режаси муҳокама қилинди ва қабул қилинди, кичик грантлар тақдим этиш бўйича қарор қабул қилинди, шу жумладан Кўчиб юрвчи турлар бўйича Конвенциянинг сайгоқни сақлаб қолиш юзасидан ҲМни имзолаш тақлифи билан РФ Ҳукуматиға мурожаатнома юбориш тўғрисида қарор чиқарилди. Кенгаш қарори билан Альянснинг веб-сайтида танишингиз мумкин www.saiga-conservation.com. Регионал филиалларнинг ривожланиши стратегик режалаштиришимизнинг асосий масаласи. Биринчи филиаллар, ҳал қилинганидай, кейинги йиғилишда бу фаолият учун ҳисобот берадиган Бошқарма аъзоларининг кураторлигида Қалмоғистон ва Ўзбекистонда ташкил этилади.

Кенгашнинг 2-чи кунда Ўзбекистоннинг манфаатдор тарафлари – давлат ташкилотлари, НПО ва илмий институтларнинг вакиллари билан сайгоқни асрашга бўлган ёндашишимизни муҳокама қилдик. Бошқарма аъзолари Ўзбекистонда сайгоқ муаммоси билан шуғулланаётган барча вакиллар кўрсатган маъсулияти ва келажакда сайгоқни сақлаш бўйича стратегияларнинг музокарасида кўрсатган билимларининг юқори даражасидан таассуротда бўлдилар. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилишда кўпгина муаммоларга дуч келади ва бу учрашув шу муаммоларни ечишда биринчи қадам бўлди.

Кенгашдан сўнг Президиум аъзолари жайрон (*Gazella subgutturosa*) ва бошқа ноёб турларни кўпайтириш бўйича марказ сифатида танилган “Жайрон” Бухоро экомарказида бўлдилар. Кейинги учрашувни Бошқарма 2009й. Москва шаҳрида режалаштирилган, бу биолог-овшунослар халқаро Иттифоқининг Конгрессиға тўғри келади, бироқ, маблағ етса оралиқ учрашув 2008 йилда бўлиб ўтади. Э.Дж. Милнер-Гулланд. Қўшимча маълумот учун бизға saigaconservationalliance@yahoo.co.uk бўйича мурожаат қилинг.

Еш олимлар Италияда сайгоқни ўрганиш натижаларини тақдим этдилар

2007й. 21-26 сентябрь кунлари Италия, Сеена ш-да териологларнинг V Европа конгресси бўлиб ўтди. Ушбу конгресснинг мақсади сўнги ютуқлар алмашинуви учун бутун дунёдан сут эмизувчиларнинг биологияси бўйича мутахассисларни йиғиш ва олимлар орасида янада яқин алоқа ўрнатиш эди. Конгрессда турли мамлакатлардан 500дан ортиқ мутахассис қатнашди. Н. Арилова ва А.Вознесенская «Сайга антилопаси Шимол-Фарб Каспий олдида: тадқиқотлар, муҳофаза ва тиклаш перспективаси(истикболи)» стендли ахборот - Россияда сайгоқни ўрганиш бўйича кўп йиллик ишнинг яқунлайдиган коллектив меҳнатни тақдим этдилар. Анна Лушчеккина. Конгресс ҳақида қўшимча маълумотни <http://www.euromammalcongress.org> да топишингиз мумкин.

Сайгоқ океан ортига йўл олди –WCN Экспо-07 йиллик Кўргазмасида SCАнинг иштироки

Бир йил аввалгидай (SN №4 қар.) Сайгоқни асраш бўйича Альянс 3 октябрдан 9 октябргача АҚШ, Калифорния, Сан-Францискода бўлиб ўтган табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро кўргазмада иштирок этди. Кўргазма ва унинг доирасидаги тадбирлар Америка ноҳукумат ташкилоти – Ёввойи табиатни асраш бўйича Тармоқ (WCN) томонидан ташкил этилди. Кўргазманинг мақсади жамиятда тушинишни ошириш ва ноёб турларни асраш бўйича тадбирлар учун молиявий ёрдам излашдан иборат эди. Альянс фақатгина Экспода қатнашиб, ҳамда сайгоқнинг оғир аҳволига эътиборни қаратишга уриниб қолмай, WCN партнери тўлиқ мақомини олишга ҳам муяссар бўлди. WCNнинг ҳаракатлари SCA каби яқинда ташкил топган кичик ташкилотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб оёққа туришнинг кескин босқичида ёрдам беради. Экспо доирасида яқинда ташкил этилган табиатни муҳофаза қилиш ИИЧБ ҳамда гепардни асраш фонди (Cheetah Conservation Fund), Филларни қутқариш Save the Elephants), Илвирсни асраш (Snow Leopard Conservancy) каби катта тажрибага эга бўлган ташкилотлар иштирок этган ўқув семинарлари ташкил этилди.

Барча давлатлардаги вазиятни қарама-қарши ўрганишга ва унумли музокарасига ҳамма иштирокчилар катта ҳисса қўшдилар. Экспонинг асосий ҳодисаси хусусан кенг жамоатга мўлжалланган тадбир – кўргазма бўлди. Джей Гудоллнинг пленар чиқиши ва орасида Е.Бикова ва А.Кюль тақдим этган сайгоқни асраш бўйича Альянс бўлган барча иштирок этган ташкилотларнинг презентациялари кўргазманинг сезиларли ҳодисаси бўлди.



Джейн Гудолл талабалар орасида (чапда); Экспо-07 да SCA экспозицияси (ўнғанда). М. Варон сурати

Кўргазмага келувчилар сайгоқлар, уларнинг яшаш тарзи, қисқаришга олиб келган сабаблар, улар яшайдиган давлатлар инсонлари ва маданияти билан танишдилар. Ўзбекистонлик усталар қўли билан тайёрланган ажойиб махсулотлар – Бухоро керамикаси, Самарқанд ипаги, Қорақалпоқ каштаси ва б., шунингдек Альянснинг таълим дастури доирасида Қалмоғистон ва Ўзбекистонлик ўқувчилар томонидан тайёрланган расм, кашта, миниатюра уй жиҳозлари Экспода муваффақиятли сотилди. Сотувдан тушган пуллар сайгоқни асраш бўйича тадбирларга ишлатилади.

Умуман олганда, кўргазма маблағ йиғишда ҳам, дунёдаги энг гўзал кўчиб юрвчи ҳайвонларнинг фожиали тақдирдан хабардор инсонларнинг Калифорнияда пайдо бўлиши борасида ҳам Альянс учун муваффақиятли бўлди. Кўргазмадан кўпчилик ўйинчоқ сайгоқчаларни ўзлари билан олиб кетишди. Шундай қилиб, узоқдаги евроосиё антилопаси океан ортида, қутқариш учун ҳамма нарсага тайёр, янги дўстларни топди. Елена Бикова, Алина Кюль. Қўшимча маълумот олиш учун, ёки сайгоқ юмшоқ ўйинчоғини олмақчи бўлсангиз, бизга мурожаат қилинг saigaconservationalliance@yahoo.co.uk.

Фауна ва Флора Интернешнл сайгоқни асраш учун – FFI Евроосиё дастурининг регионал кенгаши

28 октябрдан 2 ноябргача Буюк Британия, Уэльс, Сноудония (Snowdonia) Миллий боғида FFI “Маданият ва табиатни муҳофаза қилиш” Евроосиё дастурининг 2-чи регионал кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Грузия, Қозоғистон, Қирғизстон, Португалия, Тожикистон, Ўзбекистон ва Хорватиядан FFI шерик ташкилотлари иштирок этди.

Шерик-ташкилотлар иш тажрибаси ва келгуси режалари билан ўртоқлашди. Учрашув доирасида ташкил этилган семинарда инсон ва табиатнинг ўзаро мос таъсири, биохилма-хилликнинг сақланишига инсон ва у яратаётган ландшафтларнинг таъсири муаммолари музокара қилинди. Сноудония Миллий боғи мисолида иштирокчилар бошқариш ва табиатдан фойдаланишнинг турғун усуллари билан танишдилар.

Бундай учрашувда SCA илк бор қатнашди. Биз Ўзбекистонда сайгоқни асраш бўйича ҳаракатни тақдим этдик ва бу соҳада кейинги ҳамкорликнинг стратегияси ва истиқболлини музокара қилдик. FFI Альянснинг маъсулиятли топшириғини қўллаб-қувватлаши ва SCАнинг коллектив аъзоси бўлишини белгилаш қувонарли. Бу обрўли халқаро ташкилотнинг ёрдамида Ўзбекистонда ҳозирги вақтда сайгоқни Устюрт популяциясининг мониторинги жарағини маҳаллий аҳолини жалб этиш бўйича лойиҳа бажарилмоқда. (SN №5 қар.). Бу сайгоқни асраш бўйича FFIнинг биринчи лойиҳаси эмас.

2004й. Ўзбекистонда сайгоқ сони қисқарилганининг ижтимои-иқтисодий сабабларини ўрганиш бўйича лойиҳа бажарилган (SN №1 қ.), 2004-06 йй. Қозоғистонда – Устюрт платосида даромаднинг альтернатив манбаларини яратиш бўйича лойиҳа. Елена Бикова. Қўшимча маълумот <http://www.fauna-flora.org/eurasia.php> да.



Учрашув иштирокчилари Сноудония Миллий боғида атом электростанциясида экскурсия вақтида Е.Бикова сурати

Йирик ўтхўрлар бўйича Фонднинг кенгашида сайғоқ тўғрисида сўзланди

2007й.3-8 октябрь кунлари Украина, Львов ш-да Йирик ўтхўрлар бўйича Фонднинг ҳар йилги кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Бельгия, Буюк Британия, Германия, Канада, Муғилистон, Нидерланд, Польша, Россия, АҚШ, Туркия, Швейцария, Украина ва Ўзбекистондан мутахассислар иштирок этдилар. Фонднинг ҳисоботи, ҳамда Бухоро буғиси, сайғоқ, жайрон, кулон ва Пржевальский оти бўйича лойиҳалар бажарилишининг натижалари ҳақида маърузалар тақдим этилди. Сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳаларнинг музокарасига жиддий эътибор кўрсатилди: Бетпак-Далада WWF ва Франкфурт зоологик жамиятининг лойиҳаси, Қозоғистон, FFI (Fauna and Flora International)нинг Устюрт платосининг Ўзбекистон қисмида маҳаллий аҳоли билан ишлаш бўйича лойиҳаси. Шунингдек Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистонда сайғоқнинг аҳволи бўйича Альянс аъзолари тайёрлаган маъруза тингланди. Чиқиш жараенида А. Лушчекина турни асраш, Ҳамжиҳатлик Меморандуми ва Ҳаракатлар Режасининг бажарилиши бўйича биргалишиб ҳаракат қилиш учун барчани Альянсга қўшилишга чақирди. Х. Юнгиус Муғилистонда сайғоқни сақлаш ва маҳаллий аҳоли билан ишлаш бўйича лойиҳанинг бошланиши ҳақида сўзлаб берди.

Анна Лушчекина. Фонд ҳақида маълумотни <http://www.largeherbivore.org/> да топишингиз мумкин.

Новосибирскдаги учрашувда музокара марказида сайғоқ шохи контрабандаси билан курашиш

Россия, Қозоғистон ва Муғилистон табиати муҳофаза қилиш ташкилотлари, божхона органлари, СИТЕС Маъмурий ва Илмий органларининг вакиллари 2-7 декабрь кунлари Новосибирскда бўлиб ўтган “Олтой-Саянск экорегионда СИТЕС Конвенциясини амалга оширишда халқаро ҳамкорликни ривожланиши” уч томонлама ишчи кенгашда қатнашиш учун йиғилдилар. Флора ва фауна объектларининг ноқонуний ишлатилиши муаммоси бўйича ишлаётган Регионларо хайрия жамоат ташкилоти Сибирь экологик маркази (Новосибирск), Қозоғистон биохилма-хиллигини асраш Ассоциацияси (Алмати) ва WWF Муғилистон (Улан-Батор) кенгаш ташкилотчилари бўлди. Учрашув ПРООН/ГЭФ “Олтой-Саянск экорегионининг Россия қисмида биохилма-хиллигини сақлаш” лойиҳасининг доирасида Қозоғистондаги ўхшаш лойиҳа ёрдамида ўтказилди. Учрашувни ташкил этиш ва ўтказишда Сибирь божхона бошқармаси аҳамиятли ҳисса қўшди. Қўшни давлатлар божхоналари, шунингдек СИТЕС конвенцияси талабларини давлат ичида бажарилишига жалб этилган муассаса ва институтлар ўртасида ишчи алоқлар ўрнатиш учрашувнинг асосий мақсади эди. Илгари эришилган ҳукуматларо ва муассасаларо битим ва баенномалар доирасида тезкор ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.



Трансчегара ҳамкорлик муаммоларининг музокараси И. Смелянский сурати

Учрашув жараенида ҳайвонларни алоҳида, муаммолироқ, орасида сайғоқ ҳам бўлган, турларининг контрабандаси билан курашиш хусусиятлари бошқа саволлар орасида батафсил кўриб чиқилди. Олтой-Саянск регионининг Муғилистон ҳудудида сайғоқнинг фақат муғил кенжа тури яшайди. Унинг сони жуда оз ва шохлар учун браконьерлик унинг батамом йўқолишига олиб келиши мумкин. Бироқ, контрабанданинг асосий ҳажмини экорегион чегарасида учрамайдиган, европа кенжа турининг шохлари ташкил этади. Шундай бўлса ҳам муаммони кенгаш доирасида кўриб чиқишга қарор қилинди, чунки сайғоқ – трансчегара савдога кўпроқ боғлиқ бўлган турлардан бири. Регионда Россия-Муғилистон чегараси орқали сайғоқ шохи контрабандасининг холлари маълум, Россия-Қозоғистон чегараси орқали олиб чиқишни кутиш мумкин.

Кенгаш иштирокчилари Қозоғистон, Россия ва Муғилистонда сайғоқнинг аҳволи ҳақидаги ҳабарларни катта қизиқиш билан тингладилар. Очилган мунозарада сайғоқ сони қисқаришининг олдини олишда учта давлат божхоналари қандай қилиб ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида савол муҳокама қилинди. Биринчи навбатда (ва бу фақатгина сайғоққа тегишли эмас), жойлардаги табиати муҳофаза қилиш органлари ва ҳуқуқий тартиб органлари у еки бу турларнинг браконьерлик овининг далилларига ва уларнинг ҳар қандай кўринишида (хусусан, кенгаш қатнашчиси бўлган давлатлар ҳудуди бўйича турли маҳсулот транспортировкасида) олдини олишга алоҳида эътибор бериши кераклиги равшан бўлди. Шунингдек у еки бу қонунбузарликларни тезда тушиниш учун, божхона пунктларида, ҳеч бўлмаганда дастлабки босқичда вазиятни тушуна оладиган мутахассислар кераклиги кўрсатилди.

Қўшимча маълумот олиш учун РХЖТ Сибирь экологик маркази, Илья Смелянский ва Эльвира Николенкога мурожаат қилинг ilya@ecoclub.nsu.ru.

Устюрт табиатини асраш тўғрисида

Июль ойининг ўртасида Лукойл Оверсиз катта вице-президенти Азат Шамсуаров, “ЛУКОЙЛ” ОАЖ президенти Вагит Алекперовларга ва компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига ЎзР ФА Зоология институти томонидан хатлар юборилган эди. Шуларга ўхшаш хат бу йилнинг ноябрь ойида “Газпром” ОАЖ раиси Алексей Миллерга юборилди. Хатда газ конларини ўзлаштирилиши бошланиши, шу жумладан Устюрт платосида геологик разведка ва сейсмологик разведка ишларини ўтказилиши билан боғлиқ Устюрт регионининг заиф биологик ва ландшафт хилма-хиллигининг ҳолатидан ташвишланиш билдирилади. Сайғоқ Устюрт фаунасининг асосий намунаси бўлиб текислик экотизимларининг балансини сақлашда ва табиий яйловларнинг маҳсулдорлигини ушлаб туришда муҳим роль ўйнайди. Хатларда ушбу регионда нефть ва газ компаниялар фаолиятининг бошланиши яшаш жойларининг бузилиши ва парчаланишига, браконьерлик ва нотинчлик омилининг кучайишига, шунингдек шовқин ва кимёвий ифлосланиш даражасининг ошишига, ўсимлик ва ер қопламанинг деградациясига олиб келишидан хавотирланиш билдирилган.

Хатлар муаллифлари нефть ва газ компаниялари раҳбарларини ноёб регионнинг табиатига геологик разведка ва сейсмологик разведка ишларидан етказилиши мумкин бўлган зиённи камайтириш учун зарур бўлган чораларни кўришга ва Устюрт регионининг биологик ва ландшафт хилма-хиллигини сақлаб қолишда қўлдан келганча ердам беришга чақирадилар.

Устюрт биохилма-хиллигини сақлаб қолиш ва мумкин бўлган хавфни камайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинади: дастлабки режалаштиришнинг барча босқичи(инвестицияларни асослаш, техник-иқтисодий асослаш)да атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини жамият учун очиқ қилиш; қидирув ишларини олиб бориш бўйича экологик жихатдан тоза роқ технологиялардан фойдаланиш; Устюрт платосининг компания фаолияти режалаштирилаётган районларида экотизимлар замонавий ҳолатининг мустақил экологик экспертизасини ўтказиш; ўтказиладиган ишлар доирасида Устюрт районида биохилма-хиллигини асраш бўйича ҳаракатлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш; Устюрт районида биохилма-хиллигини асраш бўйича чора-тадбирларни маблағ билан таъминлашда иштирок этиш; Устюртда маҳаллий аҳоли ва газ қазиб олиш соҳаси ходимлари учун экомарифат дастурларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш; одамларни браконьерликдан чалғитиш мақсадида Устюрт платосининг яшаш пунктларида ижтимоий дастурлар ўтказишда ердам бериш.

Қўшимча маълумот учун Александр Есипов, Елена Бикова esipov@sarkor.uz ва Рустам Мурзахановга, naraspashku@gmail.com мурожаат қилинг.

Сайғоқни асраш бўйича кенгаш: Ўзбекистонда сайғоқнинг Устюрт популяциясини асрашнинг самарали йўллари

2007й. 23 ноябрь куни Ўзбекистон, Нукусда сайғоқни асраш бўйича Кенгаш бўлиб ўтди: Ўзбекистонда сайғоқнинг Устюрт популяциясини асрашнинг самарали йўллари. Кенгашда Ўзбекистон ва Қорақалпоқстон Республикаларининг Давлат табиат қўмиталари, Сайғоқни асраш бўйича Альянс, ЎЗР ФА зоология институти, Қорақалпоқ давлат университети, ЎЗР ФА ҚҚБ Биозкология институти, ГЭФ/ПРООН тўқайзор лойиҳаси, Қорақалпоқстон Респ. Божхона қўмитаси, Қорақалп. Респ. ИИВ ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Кенгаш Сайғоқни асраш бўйича Альянс, ҚР Давлат табиат қўмитаси ва ЎЗР ФА зоология институти томонидан WCN ва FFI молиявий ердамида ташкил этилди. Кенгашда сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Ҳамжиҳатлик Меморандумини имзолаган давлатларнинг биринчи кенгашида мувофиқлаштирилган Ўрта муддатли ишчи дастурига мувофиқ, Ўзбекистонда сайғоқни асраш бўйича чоралар муҳокама қилинди (SN №5). Кенгаш иштирокчилари фақат чоралар комплекси ва барча манфаатдор тараф ва муассасаларнинг яқин ҳамкорлиги ижобий самара бериши мумкинлигини таъкидладилар.




Қизиқарли музокара (чапдан ўнғага: С. Атамуратов, П.Реймов, А.Григорьянц). А. Есипов сурати

Кенгаш иштирокчилари Ўзбекистонда сайғоқнинг Устюрт популяциясини асрашнинг самарасини ошириш бўйича бир қатор аниқ ғоялар таклиф қилдилар, жумладан: сайғоқнинг Устюрт популяцияси ва унинг яшаш жойларини асраш бўйича манфаатдор муассасалар учун ҳаракатлар кўшма режасини ишлаб чиқиш; сайғоқни асраш бўйича Ҳукуматлараро икки томонлама битимни имзолаш (Қозоғистон, Ўзбекистон); сайғоқни ЎЗР Қизил китобиغا киритиш; мавжуд бўлган "Сайғачий" заказнигини жиддийроқ шаклдаги ҚТҲга қайта ташкил этилиши бўйича саволни кўриб чиқиш; сайғоқни Устюрт популяциясининг йиллик авиаҳисобларини ўтказиш; сайғоқни тутқинликда кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш; Устюрт регионини ўзлаштираётган компаниялар (биринчи навбатда нефть ва газ) билан ўзаро таъсирни кучайтириш ва б.

Кенгаш якунида Ўзбекистон ва Қорақалпоқстон Республикалари Давлат табиат қўмиталарини сайғоқни асраш бўйича Альянсга коллектив аъзо сифатида қўшилиши ҳақида тилак билдирилди.

Кенгаш Қарорини SCA сайтыда топишингиз мумкин. www.saiga-conservation.com. Қўшимча маълумот учун Елена Бикова ва Александр Есиповга мурожаат қилинг. esipov@sarkor.uz.



Экспедиция иштирокчилари Асаке-Аудан чуқурлиги р-нида. А.Есипов сурати

Жанубий Устюртга бўлган экспедиция

Июль ойининг охирида сайғоқни асраш бўйича лойиҳа доирасида Жанубий Устюртга экспедиция ташкил этилди. Экспедиция ЎЗР ФА Зоология институти ва Сайғоқни асраш бўйича Альянс томонидан WCN ёрдамида ташкил этилди. Текширув мақсади сайғоқнинг тарқалиши ва популяция ичидаги структураси бўйича маълумот йиғишдан иборат эди.

Ўзбекистонда сайғоқ Устюрт платоси – Республиканинг шимолий-ғарбида жойлашган кам аҳоли чўл минтақасида яшайди. Устюрт популяцияси трансегара ҳисобланади. Сайғоқлар – кўчиб юрвчи ҳайвонлар. Устюрт сайғоқларининг мавсумий кўчишлари, одатда, 3та давлат: Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларидан ўтади. Олимлар Устюрт платосининг Ўзбекистон қисмида туёқлиларни мавсумий тақсимланишининг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, сайғоқнинг Устюрт популяцияси таркибида алоҳида гуруҳ(группировка)ларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган янги даллилар топдилар. Тадқиқотчилар командаси йил давомида сайғоқ мониторингини олиб боришга ёрдам бераётган маҳаллий аҳоли билан яқиндан ишлайди, мактаб ўқувчилари билан марифат дастурини олиб боради, сайғоқ ҳақида инфорацион материаллар чиқаради. Қўшимча маълумот учун Александр Есипов ва Елена Биковага мурожаат қилинг, esipov@sarkor.uz

«Сайга ҳақида сага» давомини олади



Ер юзидаги барча жонзотларни яшашга ҳуқуқи бор. Табиат қонунлари баъзан жуда шафқатсиз бўлса ҳам, уларни шафқатсизликда инсон диктати билан солиштириб бўлмайди. Бу ҳақида – чўл ҳаётининг бугунги кунидан ўзига хос воқеа. Бу йил сентябрь ойида «Сайга ҳақида сага»ни бараварига иккита фестивал иштирокчилари ва томошабинлари кўрдилар. «АниМАСТЕР» Шимкент студиясининг 15-минутлик мультфилми белорус «Анимаевка» ва «Звезди Шакена» қозоғистон кинофорумларининг дастурига киритилган эди. 2007й. октябрида «АниМАСТЕР» студияси «коллектив сценарий» танловининг бошланиши ҳақида маълум қилди. Унинг мақсади - 1чи қисмда бошланган воқеани якунлаш. Ижодий ўйлайдиган ва бу мавзуга бефарқ бўлмаган инсонларга иштирок этиш таклиф қилинади. Қозоғистон Республикаси ҚХВ Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги қўмитаси, «Seimar Social Fund» Хусусий ҳайрия фонди, NABU Германия табиатини муҳофаза қилиш Иттифоқи ва AGIP KCO компанияси лойиҳа ҳомийлари бўлди.

Таклифларни қабул қилишнинг сўнги муддати – 2008 й. 25 январь. Ҳақиқат ва сценарийлар танловининг ғолиблари «Сайга ҳақида сага-2» филми титрларида белгиланади. Лойиҳа шартлари билан www.saiga.kz. Веб-сайтида танишишингиз мумкин. Қўшимча маълумот олиш учун «АниМАСТЕР» студияси режисери М.Жаримбетовга мурожаат қилинг, zmaxut@mail.ru.

Тайванда сайғоқ шохининг катта партияси тўхтатиб қолинди

TRAFFIC International 2007й. июль ойининг ҳисоботида (TRAFFIC Bulletin, vol.21, #2 (2007)81, <http://www.traffic.org/content/991.pdf>) Тайванда Килунг портида анъанавий хитой медицинаси препаратлари бор контейнерга бекитилган 680та сайғоқ шохини божхона офицерлари тўхтатиб қолгани ҳақида хабар қилади. Контрабанда мол Тайванга Гонконг орқали Хитойдан денгиз йўли билан келган. Божхоначилар шохларнинг бирида қадалиб қолган ўқни топдилар.

Браконьерлар жиноят устида қўлга туширилди

Мана бир неча йилдан буён ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Фарбий-Қозоғистон минтақавий бошқармасининг мобил гуруҳлари сайғоқнинг волга-урал группировкасини деярли ўтлатадилар. Бунда уларга маҳаллий аҳоли ердам беради. Бу йил браконьерлик ҳақида биринчи хабар август ойида тушди: жанубий Жангала районида истиқомат қилувчи мотоциклда сайғоқни овлаган, бу ҳақида унинг ҳамқишлоқлари дарҳол хабар бердилар. Бошқа хабар зса яқин кунларда Казталов районидан келди. Браконьерлар йўл полицияси постига тўхтатиб қолинди. Уларда 6ти жуфт сайғоқ шохи, 18 кг сайғоқ гўшти ва қурол топилди. Ҳозирги вақтда тергов олиб борилмоқда. Браконьерлардан 1,5 млн тенге жарима ундирилади. Шунингдек суд қарори бўйича айбдорларнинг автотехникаси мусодара қилиниши мумкин. 03.11.2007 даги (16351) 203-сонли Экспресс-К материаллари бўйича.

Ўзбек-қозоқ чегарасида сайғоқ шохи мусодара қилинди



Божхона офицери мусодара қилинган сайғоқ шохи партияси билан А. Есипов сурати

2007й. июль ойида ўзбек-қозоқ чегарасида ўзбек божхоначилари 15 жуфт сайғоқ шохини Қозоғистонга олиб чиқмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқаросини тўхтатиб қолдилар. Шохларнинг кўпи еши катта сайғоқларга тегишли. Шохларнинг кўринишидан улар очик ҳавода узок вақт етган. Ҳозирги вақтда сайғоқ ареалининг ичида бўлган, аҳоли яшайдиган жойларда, сайғоқ сонининг камайиши сабабли, эски шохларни йиғиш кенг тарқалмоқда. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари бўйича ўлдирилган ҳайвон ёки унинг қисмлари билан овлаш ерларида бўлиш овга тенглаштирилади. Ҳозирги вақтда эслатиб ўтилган шохлар партияси мусодара қилинган, тергов кетмоқда.

Қўшимча маълумот учун Геннадий Гончаровга мурожаат қилинг, envconf@uzsci.net.

Матбуот шарҳи

Россия: Известия Калмыкии. 2007 й. 24 ноябрь [қисқартирилган нақли]

Сайгоқлар асрлар туташшида йўқолмоқда

Пичанбоп ўтлар ўрнига ковил ва турса

Бизнинг мамлакатимизда сайгоқлар Шимол-Ғарб Каспий олди ҳудудида ва асосан қалмиқ ерларида яшайди. Сонининг кескин камайиши 1997 йилда, 270 минг бошдан иборатлигида бошланган. 2001 й. баҳорида эса уларнинг сони 17,7 минг эди. Сайгоқ сонининг бундай кескин камайишига нима сабаб бўлди? Овшуносларнинг фикрича бу ерда табиий, ижтимоий омилларнинг бутун комплекси ҳақида сўзлаш лозим. ҚР бўйича Росқишлхўжназоратининг овланадиган ҳайвонлар муҳофазасини назорат қилиш, улардан фойдаланишнинг бошқаруви ва назорати бўлими бошлиғи Ольга Букреева қўшни Доғистонга кўчишга мажбур қилган 1998-1999йй. совуқ қишлари ушбу ҳолда ишга солиш механизми бўлганини таъкидлайди.

Бироқ, бу ерда ҳам уларнинг қисмати оғир бўлди. Ҳайвонларнинг кўп сони оғир ўтишдан сўнг ҳолдан тойиш натижасида, шунингдек браконьерликдан ҳалок бўлди. Дастлаб биз сайгоқ сони браконьерлик натижасида камайган деган эдик. Бироқ ҳозир кўриниб турибди, бу асосий сабаб эмас. Бу асли биологик муаммодир. Ҳар бир турда сонининг пасайиш ва кўтарилиш даврлари бўлади. Сағоқ ҳозирги вақтда популяцион имкониятларининг айнан пасайишида турибди. 19чи асрнинг сўнггида ва 20чи асрнинг бошида ҳам кескин пасайиш кузатилган. Сабаблари ҳозирги куннинг сабабларидан эди – яшаш шароитининг ёмонлашиши, оғир қишловлар, ем-хашакнинг етишмаслиги. Ҳайвоннинг яшовчанлиги озуқа ресурсларининг кўри, унинг жисмоний аҳволи ва серпуштлигига боғлиқ. Бугунги кундаги ем-хашак базасига қараганда, сайгоқларда сонини кескин кўпайтиришга имконияти жуда кам. Чўл пичанбоп ўтларининг мавжуд бўлган мувозанати сайгоқ бошининг ўсиши ва нормал ҳолати учун барча озуқавий моддалар тўпламини таъминлай олмайди. Росқишлхўжназоратининг ходимлари олиб борган кузатувлар 1990-чи йиллардан бошлаб сайгоқларнинг кўзилаш вақти кечроқ вақтга сурилаётганини кўрсатди. Бунинг сабаби об-ҳаво шароитларининг ўзгариши. 1998 йилда кўзилашнинг энг кечки муддати рўйхатга олинган. Кўзилаш 15 майдан 28чи майгача давом этган. Солиштириш учун – 1970чи йилларда кўзилаш апрел ойининг боши – май ойининг 1чи декадасида ўтган. Албатта, биз сизлар билан ҳозир кузатаётган аномал иқлим шароитлари ҳайвонлар аҳволига таъсир қилмай қолмаган. Баҳорда совуқ тушиши, қишки эрувгарлик – ҳароратнинг барча кескин сакрашлари сайгоқчаларнинг ўта совиб кетишдан ҳалок бўлишини оширади. Сўнгги йилларда янги туғилган сайгоқчаларнинг ўлими 5 %дан 23% гача ошди. Олти йил учун ўртача олганда 13,9 фоизни ташкил этди.

Икки оёқли бўри хушёр

Табиий ресурслар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича республика Кўмитаси раҳбарининг муовини Юрий Каминовнинг фикрича, “бизларда сайгоқ билан аҳвол, шифокорлар айтганидай, стабил оғир. Сони пасаймаяпти лекин ўсмаяпти ҳам. Олдинги йилларга қараганда аҳвол, албатта, стабиллашди”. Яшқўл райони ҳудудида жойлашган Ёввойи ҳайвонлар маркази директори Юрий Арилов нима учун сайгоқ боши кўпаймаётганига ҳайрон, йилига сайгоқчалар туғилади: касаллик, эпизоотиялар бўлмади-ку. Сайгоқларнинг ялпи қирилишининг бирор бир ҳоли аниқланмади. Табиий ҳалокатлар, миграциялар ҳам бўлмади. Ёзда, чўл ёнғинида 30дан ортиқ ҳайвонлар ҳалок бўлди. Бироқ, зотларини умумий сонини ҳисобга олганда, бу унча сезиларли йўқотиш эмас. Эҳтимол, ҳамма айб бўриларда. Бўлмаса нима учун чўлда ҳайвонларнинг жасадлари кўп миқдорда топилмайди? Энг аниғи, бу ерда икки оёқли бўри – браконьерсиз иш битмаган.



Сайгоқлар сувлоқда. “Степной” заказниги.
А.Лушчекина сурати

Яқин кунларда яшқўл кафеларининг бирида сайгоқ гўшtidан овқат таклиф қилинаётгани ҳақида Юрий Каминовга хабар қилишди. Яқинда Элиста бозоларининг бирида бу гўшт килограмми 75 рублдан очиқ сотилди.

Бу информация овшуносларга “сарафан” радио орқали бир неча кунга кечикиш билан етиб келади. Шунинг учун айбдорларни қўлга олиб бўлмаяпти. Ольга Букрееванинг айтишича сотиш жойларида бирор кимса ҳам жиноят устида тўхтатилмаган. Илгари сайгоқларни, экстракти баъзи дориларни тайерлашда ишлатиладиган, шохи учун қирган бўлсалар, ҳозир бунда кўп пул ишлаб бўлмайди. Шохнинг асосий истеъмолчиси, Хитой бозори унга тўлиб кетган. Демак, сайгоқни парҳезли гўшти ва ўзини синаш учун ўлдирмоқдалар?

Нима қилиш керак?

Ҳанузгача сайгоқнинг муҳофазаси бўйича ваколатларни Федерация субъектига ўтказиш ҳақидаги савол очиқ қоляпти. 2008 йилнинг 1 январидан бизда бу мажбуриятларнинг табиий ресурслар бўйича Кўмигага юклатилиши кутиляпти. Каминовнинг таъкидлашича, бу ҳолда вазият янада оғирлашади, чунки маблағ билан таъминланиш сезиларли камаяди. Бироқ, Ольга Букреева ҳисоблаши бўйича бундай бўлмайди, чунки сайгоқ – сони тезда камайиб бораётган, ноёб турлар рўйхатига киритилган, федерал аҳамиятга эга бўлган объект. У Россия Федерациясининг юрисдикциясига киради, ва бунда бир нима ўзгариши гумон.

Ҳозирги вақтда популяция 18-20 минг бошдан иборат. Ҳайвонлар муҳофазаси керакли даражада олиб бориляпти, бироқ сонининг кўпайиши кузатилмаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, сайгоқларни муҳофазасини кучайтириш мақсадида, инсон таъсир кўрсата оладиган фақат иккита омил бор. Браконьерлар билан курашнинг самарасини ошириш ва антилопанинг табиатдаги асосий душмани – бўрининг сонини қисқартириш бўйича чоралар комплексини қабул қилиш лозим. Сайгоқ яшайдиган жойларнинг барчасида кулранг йиртқичнинг зичлиги кўпайган. Юрий Арилов аввало сонини ҳисобга олишни ўтказиш керак деб ҳисоблайди. Оҳирги марта авиаучёт 2004 йилда ўтказилган. Юрий Каминов авиаучётларга мутлақо қарши. Унинг асосий далили – учётларнинг май ойида, ҳайвонларнинг кўзилаш даврида, ўтказилиши.

Арилов ҳам Каминовга қўшилади: “Хайвонларни қўзилаш вақтида безовта қилмаслик учун ҳисобга олишни бошқа вақтга, масалан кузга кўчириш мумкин. Тепловизор усулини қўллаш янада яхшироқ бўлади. Атроф муҳит ва хайвон танаси ҳароратларининг фарқида асосланган, бу технология бошқа хайвонларда жуда яхши ўрганилган. Бунда ҳатога йўл қўйиш минимумга келтирилган, ҳисоблаш компьютерда ўтказилади. Абатта, бу аҳамиятли сарфлар билан боғлиқ. Аммо турли манбаларни жалб этиш мумкин. Айтганларидай, мақсад воситаларни оқлайди”.

Людмила Сарангова

Тахририятдан: Ҳурматли ўқувчилар, агарда Сизлар мақолада кўтарилган саволлар, ёки ушбу муаммо доирасидаги ҳар қандай саволлар бўйича фикр билдирмоқчи бўлсангиз, марҳамат, Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни юборинг. Улардан энг қизиқарлилари *Saiga News* нинг кейинги сониди босилади.

Мақолалар

Қозоғистон плейстоценида Евроосиё сайгоғининг (*Saiga tatarica* L.) ареали

Б.С. Кожамкулова, П.А. Тлеубердина

ҚР МОН Зоология институти, Алматы, Қозоғистон Республикаси

1760 йилдан 1953 йилгача сайгоқнинг 10та тури тавсифланган эди, бироқ ҳозирги кунда унинг фақат бир тури *Saiga tatarica* L. иккита кенжа тури билан аниқланган. Бу антилопанинг эволюцияси текисликдаги қуруқ чўл ва яримчўл шароитларида яшашга мослашишга, дағал ўтлар билан озикланишга, тез чопишга (70-80 км /с гача) йўналишида кечган. Қадимги замонлардан сайгоқ овланиши осон бўлган хайвонлардан ҳисобланган ва шунинг учун палеолит одамнинг ҳаётида катта роль ўйнаган. Қозоғистонда Тамғали дараси ва Семиречьеда қоялардаги бронза даври сайгоғининг тасвирлари бунинг далолатидир. Қозоғистон ҳудуди учун сайгоқ қолдиқларининг энг қадимги топилмалари Иртиш олди (Подпуск ва Ямишево пос.)да ўрта плейстоценда белгиланган. Антилопанинг Қозоғистонда пайдо бўлиши мустье даврига тўғри келади (120-110 минг йил аввал). Сайгоқ скелетининг қисмлари ва шохларининг ўзаклари бошқа археологик артефактлар билан 1968 йилда мустье даврига оид Ушбас (Катта Каратау тизмасининг Шимолий-шарқий қиялиги) манзилгоҳида топилган.

Ўтган асрнинг 60чи йилларидан бошлаб Қозоғистон ҳудудида Урал дарёсидан Иртиш олдиғача кечки палеолит манзилгоҳларига тегишли қазилма сайгоқ қолдиқлари бор 34та жой топилган. Неолит, энеолит ва бронза даврининг яшаш жойларида уларнинг қолдиқлари Қозоғистоннинг Қостанай, Кокшетау, Жезказган ва Шимкент областларида учрайди (Кожамкулова, 1969, 1982). Палеолит манзилгоҳларда сайгоқ қолдиқларининг мўллиги Қозоғистоннинг плейстоцен ландшафтида яшаш шароитлари қулай бўлганини кўрсататди. Мамонт, юнгли каркидон, баҳайбат кийик, буғи, калташоҳли бизон, Кноблех туяси ва кулон каби мамонт фаунаси хайвонларининг қолдиқлари улар билан бир вақтда учраган. Сайгоқ, буғи ва туядан ташқари кўрсатилган турларнинг барчаси кечки плейстоценнинг охирига қирилиб кетган. Бу турларнинг ареали Қозоғистон ҳудудини киритиб, Евроосиёнинг деярли ҳамма шимолий ярмини қоплаган. Голоцен бошланишидан сайгоқ замонавий турлар билан яшаган.



Сайгоқнинг қояга ўйлиб солинган тасвири.
Қозоғистон, Алматы атр. А. Кюль сурати

Олинган натижалар қазилма қозоғистон сайгоғининг ареали, айниқса кечки плейстоцен охирида, сайгоқнинг замонавий ареалининг чегарасидан анча шимолроқда бўлганидан далолат беради. Голоцен бошида сайгоқнинг олдинги ареали замонавий ареалига тўғри келади. Музлик даврида антилопа совуқ шароитларга сезиларли морфологик ўзгаришларсиз мослаша олган. Музлик даврдан кейин сайгоқ яна сезиларли ўзгаришларсиз чўл, яримчўл ва саҳро шароитларига мослашган. Бундай юқори ихтисослашган организмнинг бир қатор экологик шартланган хусусиятлари бўлган хайвоннинг плейстоцен давомида мавжудлиги, сайгоқнинг яшаш жойлари палеогеографик шароитларининг аввало текислик рельефи, ернинг қуруқлиги ва зичлиги, шунингдек қор қопламанинг юпқалиги билан боғлиқ бўлган изчиллиги ҳақида гапиришга имкон беради. Сайгоқ топилмаларининг датировкаси Қозоғистон плейстоцени геологияси бўйича мавжуд бўлган материаллар ва археологик артефактларга мувофиқ. Қазилма сайгоқ Евроосиё плейстоценига хос бўлган палеогеографик шароитларнинг ишончли индикатори бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кечки палеолит даврида сайгоқ бутун Европада шимоли-ғарбга Англиягача ва шимоли-шарққа Печора дарёсигача учраган. Осиёда сайгоқнинг ареали Иртиш, Енисей, Лена каби сибирь дарёлари сойлиқларининг ҳудудини эгаллаган, шарққа Новосибирск ороллариғача кирган. Турнинг суяк қолдиқлари ҳатто Аляскада ҳам топилмоқда. Сайгоқ плейстоценда, осий қитъасининг узоқ шимолий чегараларига етган, етарлича кенг ареалга эга бўлганлиги И.Д.Черский замонларидан маълум бўлган. Қримда сайгоқ кўп сонли бўлган ва, таҳмин қилишларича, ўшанда айнан шу ерда турнинг қишлаш жойларидан бири бўлган. *Saiga borealis* Европада Германиягача етган Рус текислигида хазарлар даври ўрта плейстоцен фаунасининг оддий элементи бўлган. (Барышников ва б., 1998).

Ероосиё антилопаси – сайгоқ Қозоғистон ҳудудида юз мингдан ортиқ йил давомида яшаши ва антропоген таъсир ёки табиий ҳалокатларга йўл қўйилмаса, ёки уларнинг сусайишида яна узоқ вақт яшаши мумкинлиги далилининг ўзи ҳайратга солади.

Жанубий Балхаш олдида сайгоқнинг замонавий ҳолати ҳақида

А.Ж.Жатканбаев

ҚР ТИВ Зоология институт, Алматы, Қозоғистон Республикаси, wildlife@nursat.kz

Сайгоқнинг Жанубий Балхаш олдида кўчиши, унинг ўтган асрнинг 70чи йилларида сони кўп бўлган даврлари ва миграцион хусусиятлари билан боғлиқ. 1976-1977йй. қиш мавсумида кўп ҳайвонларни 2-3, 10-30 ва ундан ортиқ зотли гуруҳларини Или д. дельтаси ва Сариевик Атирау чўлларида учратишган (В.М. Покачалов, оғзаки хаб.) Эҳтимол, қишқи даврларда сайгоқ тўдалари Бетпақдала ва Шимолий Балхаш олдидан, муз устидан ирмоқларни, ҳатто Балхаш кўлини ўтиб, Или д. дельтасига, Или ва Каратал дд. оралиғидаги чўл участкаларига кирган. Ҳайвонларнинг бир қисми, ҳолсизланиш ёки ирмоқ ва кўллар устидаги музнинг тез эриши сабабли кўчиб ўтолмай, бу ерларда баҳор ва ёзда ҳам қолган. XX а. 80-90 йй. сайгоқлар Или д. кенг дельтасининг чўлга айланган оролларида ва Сариевик Атирау чўлининг баъзи участкаларида бизларга учраган. Энг катта ороллarning бирида (Иир ва Базарбай ирмоқлари орасида) 1986 йилдан 1996 йилгача баҳорги-ёзги мавсумда сайгоқларни вақти-вақти билан кузатганмиз. Шундай қилиб 1986й. май ойида бу оролда, орасида ёши катта (урғочи ва эркаги) ва ёшлари бор, тахминан 20 бошдан иборат бўлган гуруҳ кузатилган. Чўпонлар, ондатра ва балиқ овчилари уларни ўғринча овлаганлар. 1989й. баҳорги-ёзги мавсумида бу оролда маҳаллий аҳоли отларда, қопқон ва сиртмоқ ёрдамида овлаётган 14та сайгоқ қолди. 1989 й. сентябрь ойининг бошига гуруҳдан 8 бош қолди. 1995й. 31 март куни орол ҳудуди айланиб учиб чиқилганда 6 сайгоқ топилди. Бу оролда ёлғиз зотларни сўнгги учратишларимиз 1996й. баҳорги-ёзги мавсумига тегишли. 1990 й. охиридан 2007 йилгача Или д. дельтасида сайгоқлар кузатилмади, маҳаллий аҳолидан ҳам уларнинг бу ерда яшаши ҳақида маълумот тушмади. 1986-1996 йй. сайгоқларнинг 5-20 бошли гуруҳлари Или д. этагининг бошқа чўл участкалари - Жидели ва Шубар-Кунак ирмоқларининг ўнг соҳилида, шунингдек Норин ва Аристан д. ўзанларигача учраган.

Асаубай ва Науризбай ерларининг маҳаллий аҳолиси сайгоқларни отларда уларнинг доимий ўтиш жойларида қопқон ва сиртмоқ ёрдамида ов қилган. 1986й. 24 май куни шу ерлик йилқичи янги туғилган сайгоқчани ушлаб олган, уни уй ҳайвонлари (асосан қўйлар) билан битта ўтарда ушлаб бир неча кун давомида сигир сути билан боққанлар.

Сайгоқларнинг бошқа гуруҳи ҳозир ҳам Или-Каратал оралиғининг чўл участкаларида сақланиб қолган. У 20 бошдан иборат бўлиб, 2005-2007йй. йил давомида Сариевик Атирау чўлида кузатилади. Шундай қилиб, Карой поселкасида 35 км шимоли-шарққа 16 бошдан иборат гуруҳ (2та жинсий балоғатга етган эркаги, 10та еши катта урғочиси, 4та шу йил туғилган сайгоқ) кузатилган. Март ва апрель ойларида ҳайвонларнинг биринчи марта учраган жойидан 5-7 км радиусда 20га яқин сайгоқларнинг излари ва янги тезаги вақти-вақти билан учраб турган.



Сайгоқча. Ю. Грачев сурати

Бу ерда, март ойи - апрель ойининг бошида айрим ҳокларда (қумоқ тупроқли қия пастликлар) турли ҳайвонлар учун вақтинчалик сувлоқ бўладиган, йиғилган қор-муз сувлари сақланиб қолар эди. Май ойида ҳокларда сув қуриб қолди ва сайгоқлар Балхаш кўл. жанубий соҳилига кўчиб ўтди, уларнинг излари Бозарал балиқчилар пос. ёнида учраган. Бу ерда ўхшаш кузатувлар 2006 ва 2007 йилларда қилинган.

2000чи йй. биринчи ярмида Балхаш кўл. жанубий қирғоғида Сариевик яримороти ва унга яқин Или ва Каратал д. ўртасидаги қум чўлларда ўнлаб сайгоқлар бир неча бор кузатилган (Ш.Ирсаев, оғзаки ахб.). Каратал дарёсидан шарққа, бу ернинг ландшафти Или-Каратал оралиғиникига ўхшашига қарамай, сайгоқларнинг учраши белгиланмаган. Сайгоқлар яшаган ҳудудда браконьерлар ов қилган учта эркагининг бош суяги топилди, бирининг шохлари арралаб олинган эди. Шунингдек йирик эркагининг бош суяги топилди, эҳтимол у бўриларнинг ўлжаси бўлиб қолган. Сўроқлаш маълумотларига кўра, Баканас пос. истиқомат қилувчи томонидан 2006й. 25 декабрда поселкадан 15 км-да сайгоқларнинг катта бўлмаган гуруҳидан 2та икки ёшли эркаги ов қилинган. Йил давомида сайгоқлар Или-Каратал оралиғининг кенг ҳудудида мавсумий кўчишларни амалга оширади, чунки Балхаш соҳилида қор қоплами баландроқ, қаттиқ совуқ, шамоллар кучлироқ, жануброқда эса (Баканас текислиги) қор унча кўп эмас, шамоллар кучсизроқ ва ҳаво билан ернинг ҳарорати баландроқ.

Карой пос. аҳолисининг айтиши бўйича шу ерлик овчилар ва браконьерлар поселокдан шимоли-шарққа сайгоқлар борлигини биладилар. Улардан ташқари, браконьерлик овларида Алматы, бошқа шаҳар ва поселкалардан келган браконьерлар ҳам, джип автомобиллардан фойдаланиб иштироқ этадилар. Бундай “сафари”лар қор ёққандан сўнг, ҳайвонларни (жайрон ва сайгоқларни) кундузи янги излардан, тунда эса – кучли прожектор ёрдамида осон топиб бўлганда уйиштирилади. Четдан келган браконьерлар жанубий Балхаш олди чўлларини кезадилар, мустақил (йўл бошловчисиз), йўлдош алоқаси, GPS-навигатор ва мукамал электрон хариталардан фойдаланиб кезадилар.

Сайгоқнинг Жанубий Балхаш олди пуляцияси сонининг кейинги кўпайиш маркази бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ, бу регионда ов инспекцияси фаолиятини кучайтириш ва, ҳам маҳаллий аҳоли орасида, ҳам бутун республика чегарасида аҳолининг кенг табақалари орасида ёввойи табиатни асраш масалаларида хабардорлигини ва маъсулиятини ошириш бўйича махсус акцияларни ўтказиш зарур, бу сўнгги йилларда браконьерлик таъсирининг ўсишида жуда долзарбдир. Махсус ва адекват маблағ ажратилиши(топилиши)сиз сайгоқни ўрганиш бўйича мониторинг ишларининг давом этиши даргумон.

Муғил сайгоғини популяцион баҳолаш

Б. Лхагвасурен, Л. Амгалан, В. Чимеддорж

МФА биология институти, сут эмизувчилар экологияси лабораторияси, Ecolab@magicnet.mn

Сайгоқнинг сони, популяцион тузилиши, зичлиги, кўчиб юришининг хусусиятларини ўрганиш ва лимитловчи омилларни баҳолаш мақсадида МФА биология институти ходимлари WWF-Муғилистон ва маҳаллий инспекторлар билан биргаликда йиллик популяцион учётлар олиб боради. Бунинг учун, бир хил усуллар ва Шаргин Гоби, Хуйсин Гоби, Дурген водийсида ва Манхан обл. ҳудудидаги доимий учёт маршрутларидан фойдаланилади, бу сайгоқнинг популяцион динамикаси ва тақсимланиши бўйича маълумот олишга имкон беради. Тадқиқотлар доимо WWF-Муғилистон томонидан молиявий таъминланади. Охириги учётлар 2007й. 8 январдан 22 январгача Биология институтидан Л.Амгалан, В. Чимеддорж ва Ирбис-3 браконьерларга қарши гуруҳ инспекторлари Б.Батсайхан ва Ш.Гантулгар томонидан ўтказилди. Шаргин Гобида сайгоқлар Бор Нуру, Хатан Худги Бель, Хатсавчин Бель, Цаган Дерса белгиланди, Хуйсин Гобида улар Говин Худаг, Улан Гувейн, Хулой, Гулгурин Ово, Хух Джавдж, Бултгерда кузатилди, Манханда эса - Ошин Ходо ва Ишген Толгой тепаликлариди. Кузатув вақтида сайгоқнинг энг юқори зичлиги Хуйсин Гобида белгиланди, ўтган йилларнинг кузатувлари бу ҳудуд сайгоқ учун ҳали ҳам муҳим яшаш жойи бўлишини кўрсатди (1расм).



Команда аъзолари (chapда); Шаргин Гоби (ўртада); сайгоқни кузатиш (ўнгада). Б. Чимеддорж сурати


Умуман олганда биз 1734 бошдан иборат бўлган 184 подани учратдик. Ҳисоблашлар 12293 км² майдонда 2,3 зот/1000 га зичлик билан 2860 сайгоқ яшашини кўрсатди. Бу сайгоқнинг сони ўтган йилга нисбатан 1,8 мартага ошганини кўрсатади. Ошин Ходо, Ишген Толгой Манхан обл. 494 км² майдонда 0,3 зот/1000 га зичлик билан 15 сайгоқни ҳисобга олдик. 2 расмда 1998 йилдан 2007 йилгача сайгоқнинг популяцион динамикаси кўрсатилган.

Кузатилган 184 подадан 77,1% (n=142) 1дан 10гача зотдан иборат эди, 14,6% (n=27) – 11дан 20гача, 8,1% (n=15) эса 21дан ортиқ зотдан иборат эди. Ёши катта эркекларининг хиссаси 14%ни ташкил этди, урғочиларини – 53%, болаларини - 33%. Эрқаги ва урғочилари орасидаги ўзаро нисбат 1:4ни ташкил этди, бу нормал ҳисобланади. Урғочи ва боласи орасидаги ўзаро нисбат 1,6:1 (102:64)ни ташкил этди, бу эса урғочиларининг деярли ярми қисир қолиши, ёки ёшларининг орасида ўлимнинг кўрсаткичи юқорилигини кўрсатади.


Муғилистонда сайгоқ популяциясига ҳали ҳам табиий ва антропоген омиллар таъсир қилади. Сайгоқчаларга дашт бургути ва манул, қорсақ, тулки каби бошқа йиртқичлар томонидан хавф солинади. Бу билан бир вақтда браконьерлик давом этяпти.

Хулоса ва тавсиялар:

- Ёш сайгоқларнинг ўлими юқори бўлиб қолса ҳам, муғил сайгоғининг сони ўтган 5 йилга нисбатан ўсган.
- Сўнги 5 йилнинг метеорологик маълумотлари об-ҳаво шароитлари сайгоқ учун қулай бўлганлигини кўрсатди. Қишлар мўтадил бўлган, ёз мавсумлари – етарлича ёмғирли, яхши вегетацияли ва қурғоқчиликсиз.
- Браконьерлик сайгоқ популяцияси учун ҳали ҳам асосий хавф бўлиб қолади. 2006й. ноябрь ойида маҳаллий аҳоли томонидан сайгоқнинг 54 эркаги ўлдирилган.
- Сайгоқни қўриқлаётган, мавжуд бўлган инспекторлар штати (10 киши) қўриқланадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ етарлича, бироқ улар ўқишга, тегишли қонунларни ўрганишга, транспорт, жиҳозлар ва яхши маош билан таъминланишга муҳтождир.
- Браконьерликка қарши фаолият ОАВ барча турлари, рекламадан фойдаланиш йўли билан дарҳол кучайтирилиши, браконьерлик ҳақида хабар бераётган инсонлар исмлари аноним бўлиши, уларнинг ишига эса ҳақ тўланиши керак.



1 расм. Муғил сайгоғининг тарқалиши (2007 й. январь)



2 расм. Муғил сайгоғининг популяцион сони

2006-07йй. муғил сайгоғи кўчишининг хусусиятлари ва сонини баҳолашнинг натижалари

Джоел Бергер^{1,2}, Ким Мюррей-Бергер², Джулия Яне², Бувейбатар³

1- DBS, Монтана Университети, 2 – Northern Rockies Дала базаси, Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS), Монтана Университети (HS – 104), Миссолина, Монтана 59812 АҚШ, 3 – Муғилистон Фанлар Академияси, Улан-Батор, Муғилистон


2005 й. Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти Муғилистон Фанлар академияси билан биргаликда йўқолиш хавфи остидаги муғил сайгоғи (*Saiga tatarica mongolica*) кўчишининг хусусиятлари ва сонини ўрганиш бўйича дала кузатувларини бошлаган эди. Saiga News (SN, 4, 2006/07)да таъкидланганидай 8та урғочини GPS бўйинбоғ билан таъминладик ва Шаргин Гоби кўриқхонаси атрофида популяцион сонини баҳолаш бўйича текширувлар олиб бордик. Ушбу мақолада 2006 ва 2007йй. олинган маълумотлар асосида олинган дастлабки натижаларни билдирмоқчимиз.

Ишлатилинаётган 8 йўлдошли бўйинбоғдан иккитаси ўлдошдан маълумотларни яхши ололмади ва бу бўйинбоғли ҳайвонлар бизнинг термамиздан чиқариб ташланди. Йўлдош бўйинбоғли ҳайвонларнинг қолган бсидан 5та бўйинбоғни қайтариб олдик. Иккита сайгоқ ҳалок бўлди, биттаси бургутнинг ҳамласи натижасида, иккинчиси эса номаълум сабабларга кўра. Учта қолган ҳайвоннинг ҳар биридан кўчиш бўйича 1600га яқин маълумотлар олинди.

Шу билан бирга, 2006йй. олинган баъзи маълумотлар муҳим табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга (харит. қар.). 1) Яшаш ареали каттароқ бўлиб (3000 – 4000 км²), ва кўриқхона чегарасидан ташқарига чиқди; 2) сайгоқ айрим мавсумий кўчишларни кутилган баландлик чегараси, 2300м-дан юқорироқда намойиш этди; 3) Шаргин-Гобининг шимолий қисмида яшайдиган барча (N=4) ҳайвонлар кенглиги 5 км-дан кўп бўлмаган тор (шишанинг бўғзи) жойдан ўтган. Охирги вазият кескин, чунки бу тор йўлак бекилиб қолса, Хуйсин-Гоби ва Шаргин-Гоби тарқоқ популяцион группировкаларининг боғланишига имкон бўлмайди. Бу минтақани йўл кесиш ўтиши ва ундан чўпон ҳамда уй ҳайвонлари фойдаланишини ҳисобга олганда, музокара ўтказиш ва ушбу минтақада мавжуд бўлган безовталик омилининг таъсирини минимумга етказиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш зарур.

Бундан ташқари, 2007 й. Шаргин-Гоби кўриқхонаси ва унинг атрофларида масофадан танлаш (Distance Sampling) усулидан фойдаланган ҳолда, популяцион сонининг такрорий учетлари ўтказилди. Бу усул ҳам соннинг ўрта қиймати, ҳам унинг вариабеллиги бўйича бошқа усуллардан устунлик қилади ва кузатувчилардан турли масофада бўлган ҳайвонларни аниқлаш эҳтимолини оширишга имкон беради.

2006йй. давомида камида 5 км масофада 24та 15 километрлик трансект солинган эди, бу трансектлардан 2007йй. такрорий фойдаланилди; икки йил бўйича маълумотлар сентябрь ойида олинган. 2006йй. популяцион сонининг ўрта қиймати 3,597 сайгоқни ташкил этди (четки қийматлари 95% эҳтимол билан 2192дан 5904гачани ташкил этди). Яроқли яшаш майдони 7,200 кв.км яқинни ташкил этишида популяция зичлиги - 0,55±0,14зот/км², Ҳозирги вақтда 2007ййилга маълумотлар таҳлил қилиняпти ва тақдим этилади. 2006йй. натижалари қониқарли, мадомики улар Шрагин-Гобида популяция сонини кесин паст даражасидан кейин тиклангани ёки популяция сони илгари тахмин қилингандан юқорилигини кўрсатади. Ҳар қандай ҳолда, муғил сайгоғи учун олинган натижалар қониқарли, мадомики у Шаргин-Гоби регионининг ортида ҳам яшайди.



Расм. «Сайгоқнинг еши катта урғочиларининг Шаргин-Гоби кўриқхонаси ва унинг атрофларида кўчиб юриши (кўриқхона чегараси яшил чизик билан белгиланган), 2006-07йй. сентябрь. Тўғри қора чизиклар популяцион зичликни баҳолаш учун трансекталар йўналишини кўрсатади. Тор ўтиш жойи сариқ доира билан кўрсатилган».

Шимол-Ғарб Каспий олдида сайгоқнинг йўлдошли телеметрия тажрибаси

М.Ю. Дубинин¹, А.А. Лушчекина², Ф.К. Раделофф¹

1 - Висконсин шт. Университети, 2 - А.Н. Северцев номидаги экология ва эволюция муаммолари институти, РФА, dubinini@wisc.edu

2004-2005 йй. Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар Марказининг ходимлари томонидан Астрахань областининг «Степной» заказниги ва РФА Экология ва эволюция муаммолари институти билан ҳамкорликда, Висконсин шт. Университети ҳамда Чикаго зоологик жамиятининг ёрдамида сайгоқларга белги қўйилди. Лойиҳанинг дастлабки мақсади сайгоқларнинг кўчиш йўллари кузатиш, ҳамда тутқинликда катта бўлган сайгоқларни табиий шароитларга мослашиш имкониятларини аниқлашдан иборат эди.



Йўлдош бўйинбоқли сайгоқ эркагинининг Яшкўл питомнигида адаптацияси, Қалмоғистон. Н.Буннефелд сурати


Бироқ, юзага келган техник муаммолар сабабли лойиҳа вазифалари бажарилмади. Ушбу мақоланинг мақсади - олинган телеметрия маълумотларининг таҳлили, носозликларнинг мумкин бўлган сабаларини аниқлаш ва передатчиклар унумдорлигини умумий баҳолаш. Умид қиламизки, олинган тажриба Шимол-Ғарб Каспий олди худуди ва ареалнинг бошқа қисмларида сайгоқ популяцияси аҳолининг мониторинги учун йўлдошли телеметриядан фойдаланиш билан боғлиқ кейинги лойиҳаларда қўлланиши мумкин бўлади.

Лойиҳа доирасида ҚР “Яшкульский” Ёввойи ҳайвонлар марказида ўстирилган 5та сайгоқ эркаги Telonics ST-20/3210 йўлдошли передатчиклар билан таъминланди. Бу турдаги передатчиклардан сигнал маълум даврийлик (трансляция дарчиси) билан ARGOS тизимидаги йўлдошларнинг бирига келиб тушади [1].

Эксперимент доирасида передатчиклар иши икки даврга бўлинган эди. Биринчи даврнинг давомида передатчиклар ҳар уч кунда соат 8дан 12 гача (UTC) трансляция қилган ва 0.5W сигнал қувватининг ишлаб чиқарилган солаши ишлатилган.

Ўтказиб юборилаётган трансляцияларнинг сони кўп бўлганлиги аниқлангандан кейин ҳамма передатчиклар юқорирок бўлган 1.0W қувват ва ҳар куни маълумот узатишга қайта созилди. Қайта созиланишдан кейин 5та передатчикнинг 2таси ишламай қолди. Иккинчи давр давомида передатчиклар сайгоқлардан ечиб олинди ва муайян ҳолатда сақланди. Передатчиклар унумдорлигини аниқлаш учун трансляцияларнинг мумкин бўлган ва ҳақиқий миқдори ҳисобланди (1 расм), шунингдек координаталик узатишлар учун – стандарт ва ностандарт локациялар миқдори.


Ишнинг биринчи даври учун натижада (5та передатчик): тизимнинг 46% трансляциялари ўтказиб юборилди ва 79% трансляциялар бирорта ҳам локация олишга олиб келмади. Олинган 235 хабардан 74тасида локациялар бор эди, улардан 14таси стандарт, 60таси ностандарт эди. Ишнинг иккинчи даври учун (3та передатчик): тизимнинг 44% трансляциялари ўтказиб юборилди ва 52% локация олишга олиб келмади. Олинган 310 хабардан 227тасида локациялар бор эди, улардан 104таси стандарт эди. Экспериментнинг иккинчи қисмидаги передатчикларнинг муайян ҳолати олинаётган локацияларнинг передатчикларни реал ҳолатига нисбатан аниқлигини баҳолашга имкон берди. 3, 2, 1, 0 классдаги стандарт локациялар учун аниқлик тегишли равишда 0.3(±0.2), 0.6(±0.4), 1.4(±1.0), 4.0(±2.7) километри ташкил этди. А ва В классдаги ностандарт локациялар учун ҳато 1.4(±1.6), 11.0(±10.6) километри ташкил этди.



1 расм. Бўйинбоқлар бирининг сигнал қувватини оширишдан олдин (А) ва кейин (В) ишлаш режими. Катаклар - трансляция туйуқлари, яшил - координатали хабар олинди, зангори - координатасиз хабар олинди, кул ранг - хабар олинмади.

Келтирилган натижалардан кўриниб турибди, передатчикларнинг унумдорлиги ва олинаётган координаталарнинг аниқлигида ҳали анча камчиликлар бор. Бу айниқса, эҳтимол Европанинг бу қисмида ARGOS тизимининг узатиш частоталарида кучли шовқинлар борлиги учун атмосферани ёриб ўтолмаган, камқувватли сигналнинг бошланғич режимига тегишли [2]. Узатиш қувватининг кўтарилиши натижалари трансляцияларни кўпроқ олишга имкон берди ва олинган юқори сифатли локацияларнинг сифатини 6-10 баробар оширди (2 расм). Бироқ, узатиш қувватининг кўтарилиши унинг батареяларининг ишлаш мудатини кескин пасайтирди ва бунинг ҳисобига передатчиклар ишининг охирида ўтказиб юборилган трансляциялар сони яна кўпайди. (1расм).

Ушбу лойиҳанинг натижалари бу регионда йўлдошли телеметрия бўйича лойиҳаларни диққат билан режалаштирилиши ва амалга оширилиши тўғрисида ўйланишга, ҳамда ҳайвонларни передатчиклар билан таъминлашдан олдин уларни тестдан ўтказишда зийракроқ бўлишга мажбур этади.



2 расм. Сигнал қувватини оширишдан олдин ва кейин локацияларнинг синфлар бўйича тақсимланиши.

1. CLS (2007). Argos user's manual. <https://www.argos-system.org/manual>
 2. Gros, P., Malarde, J.-P., & Woodward, B. (2006). Argos performance in Europe. Tracker News, 7

Сайгоқ шохларини ўрганиш

О.Е. Романов

Қалмиқ давлат университети, romanov_oe@kalmu.ru

Сайгоқ – ноёб тур ва ривожланиши ўрта ва кеч плейстоценга тўғри келган мамонт фаунасининг қадимги намуналаридан биридир (шу сондаги мақолага қар.). Сайгоқнинг йўқолиб кетиш хавфини бартараф этиш – ҳозирги вақтнинг кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан бири. Шунинг учун 1990-йиллар ўртасида Қалмиқ университетида шохлар ўрнини босувчи моддани қидириш орқали бу тур сонини сақлаш имконини ўргана бошлашди. Лойиҳамиз мақсади сайгоқ шохлари экстрактдан физиологик актив компонентларни ажратиш ва уларнинг структурасини аниқлашдан иборат эди. Бу шундай ёки ўхшаш бирикмаларнинг бошқа манбаларини топишга, масалан, яқин турларда ёки уларни мақсадга йўналтирилган органик синтез орқали олиш альтернатива йўллари тақлиф қилишга имкон бериши мумкин эди.

Тадқиқотлар икки йўналишда олиб борилди. Дастлаб асосий омилни ажратиш, уларни алмаштириш учун синтез қилиш мўлжалланган эди. Тадқиқот жараёнида сайгоқ шохини ўз таркибига кўра қўй шохига жуда яқинлиги аниқланди, ва шунда тадқиқотлар сайгоқ шохига альтернатива топиш йўналиши бўйича ривожлана бошлади. МДУ физиология кафедраси, Волгоград тиббиёт академиясининг фармакология кафедраси ва биз томондан биргаликда сайгоқ шохини ҳақиқатан ҳам яра пайдо бўлишининг олдини олишга ижобий таъсир кўрсатиши ва ҳатто даволаш эффектига эга эканлиги кўрсатилган. Бунинг устига сайгоқ шохини кучли даволаш эффектига куйиқаш давридан сўнг эга бўлади. Яра ҳосил бўлишининг спиртли моделидан фойдаланган ҳолда, биз қўй шохини ҳам яра пайдо бўлишининг олдини олишини кўрсатдик.

Иккала тур шохларининг экстракт таркибини ўрганиш уларнинг асосий компоненти нингидрин бўяладиган моддалар эканлиги кўрсатди. Эркин аминокислоталар ва қисқа пептидлар, шунингдек нуклеин кислота қолдиқлари, стероид ва биоген аминларнинг сезилмас миқдори топилган, сўнгиларининг миқдори дастлабки маълумотларга кўра ҳайвонларнинг физиологик ҳолатига боғлиқ ҳолда (куйиқаш даврида, ундан олдин ва кейин) ўзгаради.

Тадқиқотларимиз G-25 сефадексида эксклюзион хроматография усули билан ажратишда сайгоқ ва қўй шохлари экстрактининг хроматографик профилларга ўхшашлигини кўрсатди. Фақат компонентлар нисбати ўзгаради. Иккала тур шохларининг экстрактидаги нингидрин бўяладиган моддаларнинг тақсимланиш картинаси ҳам ўхшаш. Уларнинг структурасини ўрганиш осон масалалардан бўлмади.

Шохларнинг турли кимёвий таркиби биологик актив моддалар (БАМ) алоҳида компонентлар кўринишида эмас, ҳам органик, ҳам минерал бирикмалар комплекси кўринишида эканлигини тахмин қилишга имкон беради. Бу комплексларни ҳатто замонавий физик-кимёвий усуллар билан ажратиш жуда қийин масала бўлди.

Сўнгги вақтларда биз “ҚР Ёввойи ҳайвонларини ўрганиш ва сақлаш маркази” ДУК питомниги билан ҳамкорлик қиламиз. Тадқиқотларимиз шимолий кийик шохларини ўрганаётган Якутск университетидаги ҳамкасбларни ҳам қизиқтириб қолди. Шохларнинг БАМ табиатини биргаликда ўрганиш мўлжалланмоқда.



Проф. Романов Қалмиқ университетининг талабалари билан сайгоқ ва қўй шохларининг текширувини олиб бормоқда. А.Лушчеккина сурати

Сайгоққа ов қилиш тарғиботи –59000 нусха тиражда *

И. Смелянский

МБОО Сибирь экологик маркази, ilya@ecoclub.nsu.ru

2007 й 10 сон (октябрь) “Ов ва балиқ ови: XXI аср” журналининг муқовасида сайгоқнинг ажойиб сурати босилди. Хавф остидаги турнинг оммалаштирилишига хурсанд бўлиш мумкинми? Энг машҳур ва оммавий Россия овчилик журналларидан бирида Сергей Лосевнинг сайгоқ тўғрисидаги катта – 5 туташ бети, кўплаб сифатли суратлар – мақоласи босилди. Мавзу ўз номи билан – «Сайгоқ ва унинг ови». Рубрикаси ҳам ажойиб – “Ўлжалар: орзу томон йўл”. Биринчи абзацдан ўқувчи сайгоқ ҳақида мутлақ фантастик тасаввурга эга бўлади. У “сайгоқ Дунай олди жануб мамлакатлари ва Карпатдан бошлаб, Қора денгиз бўйидаги чўлларда, Иртиш ва Обьгача (шимолга 55 даража шимол кенлигида) учраши”ни билади (116-бет). Чамаси, изоҳга ҳожат йўқ. Тўғрироғи, С.Лосев ҳеч иккиланмасдан бу сатрларни (ва сайгоқ биологияси ҳақидаги кейинги ҳикояни) қандайдир эски энциклопедиядан кўчириб олган. Мавзунинг контекстида муаммо билан таниш бўлмаган инсон сайгоқнинг ҳозирги сони ва тарқалганлиги ҳақида мутлақ нотўғри тасаввурга эга бўлиши муҳим. Бир неча бет пастроқда муаллиф “Горбачёв қайта куриши бошланди, гўштга талонлар пайдо бўлди ва оч ҳалқ кўрқувни унутди. ...Ва антилопаларни қира бошлашди. Ва шундай абжирлик биланки, давлат бўлиб ажралиб чиққан ва оч-наҳор яшаётган Ўрта Осиё республикалари сайгоқ ва жайронлар сонини яқин орада тиклай олмайди” деб кўрсатади (120 бет).



Бу пассаж ёт ўқувчиларда кириш қисмидаги сайгоқнинг жуда катта ареали (тахминга кўра сони ҳам) тўғрисидаги маълумот билан қандай боғланиши тушунарсиз. Бироқ бу ерда (ғоят ҳурматсизлик билан!) фақат “Ўрта Осиё республикалари” ҳақида гап кетмоқда. Ареалнинг қолган қисми (жумладан Россия)да ҳаммаси яхши деб тахмин қилишга тўғри келади. Тахминни кейинги абзацдаёқ “бугун ўта кучли оптикага эга бўлган энг замонавий нарезкачи қуролнинг кўп миқдори мавжудлигида овчи-спортчиларга сайгоқ тўдасини қувлаш зарурати йўқ. Уларга кириш ва келиш йўлларида ов қилинмоқда...” деб хабар берилиши тўла тасдиқлайди. Кейин техник тафсилотлар келтирилади. Бу ерда гап тўппа-тўғри бугунги кунда сайгоқ овининг мумкинлиги ва унинг “уюштирилиши” ҳақида боради. Аслида сайгоқ овига мақоланинг асосий ҳажми бағишланган. Тарихдан маълум бўлган овнинг турли усуллари ва юқорида келтирилгандек “ҳозирги ҳолат” баён этилади, бироқ мақоланинг катта қисмини муаллифнинг шахсий тажрибаси ҳақидаги ҳикоя эгаллайди. Унинг 1970-йилларда саноат отишдаги иштироки. Вақт ва жойи рўйирост кўрсатилган. Ўша вақтдаги браконьерлик билан курашиш тўғрисида ҳам айtilган. Бироқ автомобиль фаралари остидан сайгоқ овлашнинг батафсил тарифи (услубий икир-чикирлар билан) 2007 й. оммавий ўқувчи учун нашр этилган.

Тахминан 15 йилдан бери РФда ҳайвоннинг ҳар қандай турини қувлаш ва овлаш учун автомобилотранспорт воситаларини қўллаган ҳолда ҳар қандай ов қилиш, шунингдек барча автомобилотранспорт воситаларидан отишни мутлақ тақиқлайдиган Ов қондалари амал қилган вақтларда. Қонуний ов қилишда келтирилган услубий икир-чикирлардан фойдаланишга ҳеч қандай имкон йўқ, сайгоққа ов қилишнинг кўп йиллик расмий тақиқланганини гапирмаса ҳам бўлади. Демак – олдимизда, аслида, браконьерлар учун қўлланма.

Ажабо, бироқ ёдга олинган “қўрқувни йўқотган” оч халқ тўғрисидаги мулоҳаза билан сайгоқ сонининг қисқариш мавзусига яқун ясалади. Сонлар динамикаси графигига (масалан: Кузнецов, Лушчекина, 2002; Шаймуханбетов, 2004), бир назар ташланса, қайта қуриш билан ҳеч қандай бевосита боғланиш йўқлигини кўриш мумкин. Соннинг тез қисқариши Горбачевдан бир неча йил олдин бошланган, ва айна қайта қуриш бошида сон стабиллашди ёки (ареалнинг турли қисмларида) кўпая бошлади. Ҳозирги камайиши эса 1990-йилларнинг иккинчи ярмида қисқа муддатли кўпайишдан сўнг бошланди ва бу тақлиф қилинган сабаб билан ҳеч ҳам боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Бироқ муаллиф шубҳасиз ҳеч қандай графикларни кўрмаган ва умуман бу масала билан қизиққани эҳтимолдан узоқ. Шохлар контрабандаси муаммосига келсак, афтидан С.Посевга у шунчаки номаълум.

Мақоланинг якуни ўзига ҳос. У жуда оптимистик ва бунда ўқувчини сайгоққа ов қилиш мумкинлиги ва қонунийлигига қатъий ишонтиради: “Бугун сайгоқ ови лицензиялар бўйича ва аниқ ажратилган муддатлар (куз ва қишнинг боши)да ўтказилади. Собик мамлакатимиз кенгликларида миллионлик тўдалар яна ўтлайди, деб умид қиламиз» (121-бет). Сўнгги жумла ҳақоратомуз янграйди, бироқ С. Посев миллионлик тўдалар бўлиб ўтлайдиган ва сайгоқни яйловлардан бутунлай сиқиб чиқарадиган қўйларни назарда тутмаяпти. У сайгоқ тўдаларини назарда тутганди. Бу албатта мақоладан олинган умумий таассуротни ҳеч ҳам яхшиламайди.

Муаллифни оқлаш учун у тузалмайдиган браконьер эмаслиги, ўзига ҳос овчилик этикасига эгаллигини айтиш керак. Худди шу мақолада муаллиф ўзи ҳақида ўзининг “қизил китоб қуш ва ҳайвонларига ов қилишга қарши” эканини [ред. хавф остидаги Қизил китобга киритилган, ва бундан чиқди қонун билан мухофаза қилинадиган турлар] (бироқ бунда аниқ ҳодиса юзасидан “ва уларни овлаганлик учун катта жаримани тўлаш ҳеч биримизнинг қўлимиздан келмасди”...деб кўшиб) айтади. Ўзининг бошқа мақоласида (20.04.2005 Россия овчилик газетаси) у “Ўрта Осиёда” бўлган воқеа тўғрисида ҳикоя қилади: “Очликдан ҳолсизланган сайгоқ тўдаси Олма-Ота шаҳри олдида келди ва жарликка тушиб, ўша ерда қолди. Шаҳарнинг ярми белкурак ва болталар билан текин гўштга ташландилар. Фақат маҳаллий овчилар гуруҳи ваҳшийлашган тўдани ҳайвонларга йўлатмади. Овчи қуроллардан ҳавога ўқ узиб, улар шафқатсизликка йўл қўймадилар». Мисол “очарчилик вақтида очликдан ҳолсизланган ҳайвонларга ов қилиш инсофдан эмас” деган тезисни тасдиқлаш учун келтирилган.

Ўйлаймизки, журнал таҳририяти уларнинг нашриётида босилаётган матнлар учун жавоб бериши керак бўлган инсонлардан иборат. Ушбу ҳолда олдимизда предмет ҳақида умуман нотўғри тасаввур бераётган ва ўқувчини қонунбузарликка ундаётган, қатор мутлақо сохта тасдиқлар ва муҳим яширишларга эга бўлган мақола. Бунинг учун бутун жавобгарлик – аноним таҳририятда. Аноним – чунки журналда ҳеч қаерда (!) на персоналиялар, на таҳририят координатлари кўрсатилмаган (узоқ қидиришлардан сўнг улар интернетдан топилди**), нашрнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Нима учун Посевнинг мақоласи шунчалик муҳим? Нима учун умуман сайгоқ ҳақида овчилик журналлари қандай ёзиши жуда муҳим? Оддий сабабга кўра – уларнинг аудиторияси ҳар қайси табиат муҳофазаси нашридан ўнлаб баробар кўп ва аҳолининг иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан фаолроқ қисмини ўз ичига олади (ов – деярли ҳар қандай мансабдор ва тадбиркорнинг севимли “спорт” экани сир эмас). Жамиятнинг айнан шу қисмида кўпинча бошқарув, жумладан сайгоққа тегишли ечимлар шаклланади. Катта тиражда ялтироқ қилиб босилган беъмани мақола энг ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса у битта бўлмаса.

* «Ов ва балиқ ови: XXI аср» журнаlining тиражи Атласу Россия матбуотида мувофиқ (<http://www.mediaatlas.ru/editions/?a=view&id=5802>) 59000 экз.ни ташкил этади.

** «Ов ва балиқ ови: XXI аср» журнали таҳририятининг манзили: 123995, Россия, Москва ш., 1905 й. кўч., 7-уй, тел.: +7 (495) 250-72-72 (доб. 4160, 4161), e-mail: roq@mk.ru

Лойиҳалар шарҳи

Сайгоқни сақлаш Альянснинг кичик грантлар дастури биринчи раунди ўтди

WCN кўмагида сайгоқни сақлаш Альянси кичик грантлар танловини ўтказди. Биринчи раунд 2007 й. сентябрь ойида бўлиб ўтди. Альянс Бошқаруви томонидан тўртта лойиҳа танлаб олинди. Дастур сайгоқ учун реал бирон нарса қиладиган ва Кўчиб юрвчи турлари бўйича конвенциянинг сайгоқни сақлаш бўйича халқаро ўрта муддатли ҲМ дастурининг бажарилишига хисса қўшадиган коллектив ва индивидуал ижрочилар томонидан берилган табиатни муҳофаза қилиш ташаббусини қўллаб қувватлашга қаратилган. Дастурнинг кучли томонларидан бири рус ёки инглиз тилида бериладиган, қисқа лойиҳа таклиф кўринишида бўлган талабнома беришнинг енгиллаштирилган муолажасидир. Бу эса халқаро грантлар олиш имкони бўлмаган коллективларнинг иштирок этишига имкон беради. Грантлар миқдори 1500 АҚШ долларигача.



Қуйидаги лойиҳалар ғолиб бўлди:

- ✓ А.В. Хлуднев «Степной» Заказниги ҳудудида экологик маршрут ташкил қилиш, Россия;
- ✓ Э.В. Вашетко Сайгоқ бўйича электрон кутубхона яратиш, Ўзбекистон;
- ✓ О.Б. Обгенова «Сайгоқча сўқмоғидан» кичик мактаб ёши учун услубий қўлланма ишлаб чиқиш;
- ✓ Р. Есенаманов Қиш даврида сайгоқ бетпақдала популяциясининг жойлашиши, ёш ва жинсга оид таркиби ҳамда лимитловчи омилларини аниқлаш, Қозоғистон.

Танловга 6 мамлакатдан кўплаб яхши лойиҳалар тақдим этилган эди. Ғолиб бўлган лойиҳалардан ташқари энг кўп балл тўплаган яна 4 лойиҳа танлаб олинди. Қўшимча маблағ топилган ҳолда улар қўллаб қувватланади. Агар маблағлар имкон берса, биз бу танловни доимий равишда ўтказишни жуда ҳоҳлар эдик. *Э.Дж. Милнер-Гулланд. Қўшимча маълумотни www.saiga-conservation.com дан олиш мумкин.*

Янги нашрлар

«Шимол-Фарб Каспий олди биохилма-хиллигини сақлаш муаммолари» ишлар тўплами чиқди: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 2006 г. 20-21 октябрь, Элиста - Элиста ш. : ЗАОр «НПП «Джангар» 2007, 366 б.

Тўплагма сайгоққа бағишланган ишлар кирди:

Ю.Н. Арилов, В. В. Вознесенская, А.А. Лушчекина, Р. А. Меджидов, Э.Дж. Милнер-Гулланд, Б.С. Убушаев, Н.Ю. Арилова Шимол-Фарб Каспий олдида сайгоқни ўрганиш ва сақлаш. С. 33;

Н.Ю. Арилова, А.А. Лушчекина, В.В. Вознесенская Шимол-Фарб Каспий олдида сайгоқ урғочисининг репродуктив статуси мониторинги. С. 54;

Л. Е. Кокшунова Европа сайгоғи (*Saiga tatarica* L.)нинг куйиқидан олдин ва куйиқидан даврида ўзини тутиши. С. 59;

Л.Е. Кокшунова, О.М. Букреева Европа сайгоғи (*Saiga tatarica* L.)нинг эмбрионал серпуштлиги тўғрисидаги масалаларга. С. 67;

О. Е. Романов Сайгоқ популяциясини қутқариш воситаси сифатида унинг шохларига альтернатива. С. 74 ;

С. В. Кузультинов, Ю. Б. Каминов, Р.А. Меджидов Қалмоғистон Республикаси алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларининг ҳолати тўғрисида. С. 111;

З.Ш. Шамсутдинов, Ю.И. Ионис, В.А. Парамонов, Ю.Н. Арилов, Н.З Шамсутдинов Бузилган яйлов экотизимларининг биохилма-хиллиги ва унумдорлигини тиклаш биогеоценологияси: назария ва амалиёт. С. 10;

Н.Н. Староверкина Қалмоғистон Республикасида туризмни ривожлантириш замин ва истиқболлари. С. 278.

Конференция ишлари тўпламига Ю. Н. Ариловага буюртма бериш мумкин, kalmisaiga@elista.ru.

А.Б.Бекенов, Ю.А.Грачев Қозоғистонда сайгоқларнинг бетпақдала популяциясини мониторинг орқали ўрганиш// Қозоғистон ва чегарадош ҳудудларда экология ва табиатдан фойдаланишнинг актуал муаммолари. – Павлодар, 2007. – 276-278 Б.

Тадқиқотлар 2003-06 йй. Darwin Initiative лойиҳаси доирасида ўтказилган. Сайгоқнинг бетпақдала популяцияси кўпроқ ўз ареалининг ғарбий қисмида тўпланганлиги ва шарқда қаттиқ сийрақлашганлиги аниқланди. Ареалининг майдони четдаги участкалар ҳисобига қисқарган. Сони 2004 йилдаги 6.9 мингдан 2006 йилда 14.2 мингга кўпайди. Популяцияда кичик (50 зотгача) тўдалар кўпроқ, каттароқ тўдалар кам. Унинг структураси секин-аста тикланмоқда. Ҳайвонлар муҳофазаси яхшиланди, бироқ браконьерлик хали ҳам давом этмоқда. *Контакт: А.Б. Бекенов, terio@nursat.kz*

SCA сайғоқни сақлаш бўйича ҲМ бажарилиши тўғрисида

2007й. июль-декабрь ойларида CMS сайғоқни сақлаш бўйича ҲМ бажарилиши тўғрисида ҳисобот

Э.Дж. Милнер-Гулланд томонидан SN миллий муҳаррирлари, лойиҳа раҳбарлари ва сайғоқ ареали мамлакатлари ҳукумат ташкилотларининг ҳисоботлари асосида тузилган.

Ҳисобот даврида сайғоқни асраш бўйича маълум ҳаракатлар қилинди. Юқорида эълон қилинган лойиҳаларнинг кўпи давом этмоқда, кўп ташаббуслар эса муҳокама қилинмоқда ёки 2008 й. режалаштирилмоқда.

Ҳисобот давридаги асосий ютуқлар:

Халқаро:

- Сайғоқни асраш Альянси (SCA) Бошқарувининг Хитойдан ташқари барча ареал мамлакатлар вакилларининг иштирокидаги биринчи мажлиси, сентябрь, Ўзбекистон.
- SCA учун Экспода Ёввойи табиатни сақлаш тармоғи (WCN) партнери статусини тасдиқлаш, октябрь, АҚШ.

Миллий:

- Бетпақдала популяцияси ареалида Иргиз-Тўрғай Давлат табиат резервати тузиш тўғрисидаги қарор, февраль, Қозоғистон.
- Сайғоқни сақлаш бўйича 2008 й. ўрта муддатли халқаро ишчи дастурни қўллаб қувватлашга сайғоқ бўйича ҳал қилувчи мутахассислар иштирокида тўгарак стол учрашуви ўтказиш, ноябрь, Ўзбекистон.
- Жамоа тушунчасини ошириш дастури билан бирга ўтган Қалмоғистон ва Буюк Британия ўртасидаги маданий алоқалар, июнь.
- Ўрмон ва овчилик хўжалиги қўмитасига сайғоқларнинг авиаҳисобини амалга ошириш усулларини яхшилаш бўйича тавсияларнинг тақдим этилиши, октябрь, Қозоғистон.
- Сентябрдан Муғилистонда MAVA фонди томонидан маблағ ажратилаётган янги йирик лойиҳа бошланди.

Хитойда маблағ етишмаслиги сайғоқни сақлаш ҳаракатларига тўсқинлик қилди. Биз ҳисобот даврида Туркменистонда қилинган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларга эга эмасмиз.

Ўрта муддатли дастурнинг, айниқса А1 (шошилич ва ўта муҳим) сифатида белгиланган чоралар бўйича қизиқтирадиган айрим бандлари бўйича ҳисобот даврида фаоллик етарлича эмаслиги кузатилмоқда. Ҳеч қандай реал ривожланиш кўрсатмаган приоритет ҳаракатлар:

1.1. **Ҳаракат** Россия томонидан ҲМнинг имзоланиши.

3.1. **Ҳаракат** СИТЕС тавсияларига мувофиқ Россия ва Қозоғистон томонидан конвенция қоидалари бажарилишининг кучайиши.

10.1. **Ҳаракат** Узоқ муддат маблағ билан таъминлашни киритган ҳолда Каспий олди регионида сайғоқни сақлаш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш.

10.2. **Ҳаракат** Тегишли усулларни қўллаган ҳолда Каспий олди регионида мунтазам популяцион ҳисобга олишни амалга ошириш.

10.3. **Ҳаракат** Каспий олди регионида сайғоқни сақлаш билан шуғулланувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш.

11.2. **Ҳаракат** Урал популяциясининг яшаш ареалида жамоат фикрини шакллантириш ва аҳолини жалб қилиш.

11.3. **Ҳаракат** Урал популяцияси учун сайғоқни сақлаш бўйича тадбирларни режалаштириш.

Ўрта муддатли дастурда А1) сифатида белгиланган бошқа ҳаракатлар ареал мамлакатларида маълум даражада ривожланди. Кейинчалик барча манфаатдор томонлар МоВни имзолаган мамлакатларнинг кейинги учрашувигача ўрта муддатли дастурнинг бажарилиши бўйича сезиларли ютуқларга эришиш учун асосий ҳаракатлар бошлаши керак.

ҲМ ўрта муддатли ишчи дастурининг бажарилиши бўйича тўлиқ ҳисобот шакллар, ўрта муддатли халқаро ишчи дастур ва бошқа тегишли ҳужжат ҳамда ҳаволалар билан бирга Сайғоқни асраш Альянсининг www.saiga-conservation.com веб-сайтида жойлаштирилган.

Илтимос, сайғоқ бўйича ўрта муддатли ишчи дастурининг бажарилишининг мониторинги учун CMS олдида жавобгар бўлганлар ҲМни имзолаган мамлакатларнинг кейинги кенгашигача ҲМ ишчи дастурини бажариш доирасида ўз ютуқларингиз тўғрисидаги маълумотни Сайғоқни асраш Альянсининг saigaconservationalliance@yahoo.co.uk манзилига юборинг. Маълумотингизни ҳоҳлаган вақтда тақдим этишингиз мумкин, бироқ у кейинги шарҳга киритилиши учун ҳисобот 2008 й. майнинг охиригача бизда бўлиши керак.

Миннатдорчиликлар

Сайғоқни сақлаш иттифоқи фаолиятимизни қўллаб қувватлаганлиги учун қуйидаги донорларга: Патриция Нельсон ва Sidney Byers Trust, Джуди ва Чак Ветли, Кеннон ва Боб Хадсон, Линда Табор-Бек, Джон Гиббс, Мишел Хакетт, Энн Мери Бургоин ва Бред Робертс, Глория ва Кент Маршалл, Кэрролл Энн Ходдҷес, шунингдек барча сайғоқни сақлашга ўз ҳиссасини қўшганларга чин дилдан миннатдорчилик билдиради. Биз бу соннинг чиқишига ёрдам берган ташкилотлар – WCN, CMS ва WWFга ҳам миннатдормиз.